

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

2022



Nocturne No. 20 in C Sharp Minor, Op. posth
Frédéric François Chopin



FRIDERIK SHOPEN
(1810-1849)

NOYABR

№46



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz
www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
9-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-9**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-9**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 29 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Хамидович «ТИИМСХ»

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1. Алимова Сабохат Газиевна ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ АСОСНИ ЯРАТИЛИШИ	7
2. Тешабоев Зокиржон Ўткир ўғли СУҒУРТА БОЗОРИДА ҲАЁТ СУҒУРТА СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	10
3. Ширинбоев Камол Абдирофиевич СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА АМАЛИЁТИ	18
4. Худойқулов Сирожиддин Узоқ ўғли ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	22
5. Худойқулов Сирожиддин Узоқ ўғли ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ.....	24
6. Худойқулов Сирожиддин Узоқ ўғли ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН АМАЛДАГИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ.....	27



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ХУҚУҚИЙ АСОСНИ ЯРАТИЛИШИ

Алимова Сабохат Газиевна

Тошкент тиббиёт академияси

Ижтимоий фанлар кафедраси доценти,

иқтисод фанлари номзоди

+998998284330

saboxat.alimova@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Бу мақолада мамлакатда тадбиркорлик субъектларига солиқ тизимини ислоҳ қилиш, яратилган имконият ва шарт шароитларни таҳлили ва тадбиркорликни ривожлантиришда иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш орқали ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилгани ҳақида гапириб ўтилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: тадбиркорлик, бизнес, солиқ, имтиёз ва преференциялар, Ёшлар дафтари, Давлат хизматлари, тадбиркорлар ҳуқуқлари, режадан ташқари текширувлар.

АҚШ президенти Жон Кеннеди бир пайтлар мамлакатда солиқ тизимини ислоҳ қилиш хусусида қуйидаги мулоҳазани билдирган эди: “Бугунги кунда тушуниш қийин бўлган бир ҳақиқат мавжуд: бу солиқ ставкалари юқори бўлишига қарамасдан, солиқ тушумларининг кам эканлигидир. Шундай экан, солиқ тушумларини узоқ муддатда кўпайишини таъминлашнинг энг тўғри йўли бу солиқ ставкаларини қисқартириш. Солиқларни камайитиришдан мақсад - бюджетда камомадни юзага келтириш эмас, аксинча бюджет мувозанатига етакловчи фаровон ва изчил ривожланадиган иқтисодиёт муҳитини шакллантиришдир. Зеро, фақат аҳолини иш билан тўлиқ таъминлаш орқалигина бюджет мувозанатини тиклаш мумкин” – деб айтиб ўтган эди.

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон солиқ тизимини ислоҳ қилиш борасида ташланган қадамлар замирида ҳам шундай мақсадлар ётган бўлса ажаб эмас. 2018 йил 13 февралда президент Шавкат Мирзиёевнинг фармойиши асосида, мамлакат солиқ қонунчилиги ва амалиётини ўрганиб, уларни тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ таклифлар киритиш мақсадида махсус комиссия тузилган эди. 2022 йилнинг 27 март куни мазкур комиссия “Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси”ни ишлаб чиқиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этди. Концепцияда мамлакат солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича жуда илғор таклифлар ўртага ташланган ва ислохотларни изчиллик билан давом эттириш учун қулай шарт шароитлар ишлаб чиқилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий бўғини ҳисобланиб, бугунги кунда мазкур соҳани жадаллик билан ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг сафини янада кенгайтириш ва рағбатлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Шуни ҳам айтиб ўтиш жойизки, аввалги йилларда олдиндан қатъий белгилаб қўйилган солиқ тадбиркорни ўз фаолиятини ҳали бошламасданок ёки фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ ундан воз кечишга ёки фаолиятни ноқонуний йўлларида ўтишга мажбур қилиши мумкин. Бунга амалиётда мисоллар кўп. Шуни ёдда тутишимиз керакки, ҳозирда ўз давлатлари иқтисодиётига миллиард доллар фойда келтираётган, юз минглаб аҳолини иш билан таъминлаётган ва дунёнинг энг муваффақиятли компаниялари саналган Nestle, Panasonic, Microsoft, Apple Inc., Google LLC, Amazon, Nike, Ikea, Dell, Sony, Mercedes, Coca Cola, Rolex, Walt Disney асосчилари ўзларининг илк қадамларини шу тарзда, ўз томорқаларида ёки гаражларида кичик бир хусусий тадбиркор сифатида бошлаганлар. Бугунги кунда жаҳон халқлари бу номларни жуда яхши биладилар. Ўзбек тадбиркорлари ҳам шундай ишларга қодир, улар орасида ҳам шундай бизнеснинг



бўлажак асосчилари бор. Уларга фақат имконият керак. Солиқ қонунчилиги айнан шу босқичда, бўлажак тадбиркорларимиз ўз фаолиятларига қўл силтаб кетишларига, кўпгина келажаги буюк бизнес ғоялар амалга ошмай қолишига сабабчи бўлиб қолмаслиги зарур. Бугун бир сўм ундираман деб, эртанги юз сўмни йўқотиш тўғри бўлмайди.

Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 57 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг салкам 80 фоизи тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат самарасида бугунги кунда мазкур соҳа миллий иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланди. Давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир изчил чоралар кўрилиб, иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилгани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоиз, республика бўйича 648 минг нафар ишсиз “Ёшлар дафтари”га киритилган. Йилнинг биринчи чорагида 283 минг ёшларнинг бандлиги таъминланган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун эса 36 минг қўшимча тўғараклар ташкил этилиб, унга 874 мингга яқин ёшлар жалб этилган. Сўнги уч ойда республика миқёсида 21 минг нафар ёшлар тадбиркорликка ўқитилган.

Тадбиркорликнинг мамлакатимиз бўйлаб янада кенг қулоч ёйиши, унинг нафақат ички бозорда, балки дунё бозорларида ҳам рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилига айланиши учун ҳали бир қатор қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш давр талабига айланмоқда. Аслида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун уларга алоҳида солиқ имтиёзлари бериш шарт эмас, уларни солиқдан озод қилиш ҳам керак эмас, тадбиркорни фақатгина соф фойдадан солиққа тортиш тизимини жорий қилишнинг ўзи кифоя. Бу тадбиркорликдан тушган даромадларни солиққа тортишнинг энг мантиқий, жаҳон тажрибасида ўзини исботлаган усули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Бизнес Омбудсман институтини ташкил этиш; «электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали “Давлат хизматлари” тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш каби вазифалар қўйилганлиги муҳим амамиятга эга дир. Яна бир янгиликлардан бири бу, 2022–2024 йилларда махсус ўқув курсларини тамомлаган ва сертификатни қўлга киритган ёшларга 540 млн сўмгача кредит берилади. Кредит фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасида, 3 йил имтиёзли давр билан 7 йил муддатга ажратилади. Бундан берилган имконият албатта ўз мевасини бермай қолмайди, сабаби аксарият ёшларни ўй ҳаёллари мустақил меҳнат олиб бориб уни натижасида ўзининг ва яқинларининг орзу истакларини рўйёбга чиқариш. Бунинг учун иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий кафолат яратилганлиги мисол бўла олади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асосиз аралашувини олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти таъсис этилди. Уларга қуйидаги вазифалар юклатилган: тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш; тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш; тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш; қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш; давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари



томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керак ки бу вакиллик институти барча ривожланган давлатлар ўртасида фақатгина Ўзбекистон Республикасида ягоналиги билан ажралиб туради, ҳеч қайси мамлакатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи қатламлар учун бундай қонуний манфаатларни кафолатловчи назорат органи яратилмаган. Тадбиркорнинг ишига халакит берадиган, баъзан фаолиятининг бутунлай тўхтаб қолишига олиб келадиган ҳолат – бу турли ўринли-ўринсиз текширишлардир. Тасаввур қилинг, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган, ўнлаб одамлар ишлаётган корхонага назорат қилувчи органлари томонидан, арзимаган сабаблар билан корхона фаолиятини тўхтатиб қўйса, бунинг оқибатида етказилган зарарни тадбиркорга ҳеч ким қоплаб бера олмайди.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно.

Ҳар қандай давлатда хусусий тадбиркорлик ва бизнес мамлакат иқтисодиётининг асосий негизи, унинг келажаги ҳисобланади. Дунёнинг барча буюк компаниялар тарихи оддий бир тадбиркор ўз бизнес ғоясини амалга ошириши билан бошланган. Шундай экан, хусусий тадбиркорларни солиққа тортишни тўғри йўлга қўйиш давлат учун ҳам, унинг иқтисодиёти ва бюджетини учун ҳам катта манфаат келтиради. Ўзбекистон ўз солиқ қонунчилигини тубдан ислоҳ қилишга астойдил киришиши, ислоҳот етакчиларида хусусий тадбиркорларни солиққа тортиш борасидаги мавжуд амалиётни тўғри йўлга қўйиш имконияти мавжуд. Бу борада амалга оширилиши зарур булган асосий вазифалардан бири хусусий тадбиркорлардан солиқни уларнинг соф фойдасидан ундириш тизимини жорий этишдир. Бу хусусий тадбиркор учун ҳам, давлат учун ҳам фойдалидир. У мамлакатда тадбиркорликнинг ривожланишига, мамлакат бюджетига тушадиган солиқ тушумлари кўлами ортишига, мамлакат солиқ амалиёти жаҳон давлатлари солиқ амалиёти даражасига кўтарилишига, кўпгина соядаги ёки ноқонуний тадбиркорлик фаолиятларини қонуний йўлга ўтишига ва ниҳоят аҳолида солиқ маданияти кўтарилишига ҳам хизмат қилади

Фойдаланилган маълумотлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қонунлари, Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

2. Алимова С.Г. Тадбиркорлик ва бизнес фаолияти. Тошкент.2018й. 38 б.

3. <https://www.minjust.uz/uz/about/meetings/7689/>

4. <https://uzlidep.uz/uz/news-of-party/8838>

5. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/12/22/credit/>



СУҒУРТА БОЗОРИДА ҲАЁТ СУҒУРТА СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Тешабоев Зокиржон Ўткир ўғли,
«Kafolat Hayot Insurance» АЖ
Суғурта хизматларини ривожлантириш
департаменти Бош мутахассиси
Телефон: +998977031529
Zokirte@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Мазкур илмий мақолада ҳаёт суғуртасининг ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги аҳамияти, ҳаёт суғурта соҳасини такомиллаштириш йўналишлари хусусида тадқиқотчилар ва олимларнинг таҳлиллари ва турли хил қарашларининг таҳлили. Шунингдек, суғурта бозорини, унинг ривожланишидаги ҳаёт суғуртасининг аҳамияти ва соҳанинг ҳозирги кундаги ҳолати ҳамда ҳаёт суғуртаси фаолиятида юзага келаётган асосий муаммолар ва уларни ечимига қаратилган масалалар таҳлиллари келтирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: ҳаёт суғуртаси, шахсий суғурта, пенсия суғуртаси, суғурта бозори, суғурта мукофоти, суғурта, суғурта қопламаси, ижтимоий ҳимоя.

АННОТАЦИЯ: В данной научной статье значение страхования жизни в социальной и экономической сферах, анализ исследователей и ученых относительно направлений совершенствования отрасли страхования жизни и анализ различных взглядов. Также представлен анализ страхового рынка, значение страхования жизни в его развитии, современное состояние отрасли, а также основные проблемы, возникающие в деятельности по страхованию жизни, и пути их решения.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: страхование жизни, личное страхование, пенсионное страхование, страховой рынок, страховая премия, страхование, страховая защита, социальная защита.

Кириш

Ҳаёт суғуртаси табиий ходисалар руй бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилиши билан боғлиқ уларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялашга қаратилган суғуртанинг мустақил тармоғидир. Ҳаёт суғуртаси фуқаролар бошига қулфат тушганда уларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу маънода, ҳаёт суғуртаси ижтимоий ҳимоянинг ҳаётӣ таҷрибада синалган ишончли шаклидир. Ҳаёт суғуртасининг, хусусан унинг ажралмас буғини бўлган фуқароларни салбий ходисалардан суғурталашнинг жорий этилиши бир неча асрлик тарихга эга. 15-16 асрларда Англия, Германия ва бошқа Европа давлатларида фуқароларни турли ходисалардан суғурта қилиш ишлари жорий этилган. Ҳозирги пайтда ҳаёт суғуртаси - суғурта фаолиятининг йирик тармоғи сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Ривожланган хорижий давлатларда ҳаёт суғуртаси турлари буйича йиғилган суғурта мукофотлари бошқа суғурта турлари буйича келиб тушган суғурта мукофотларига нисбатан юқори салмоққа эга бўлиши лозим. Мамлакатимизда ҳаёт суғуртаси амалга оширишнинг ҳуқуқӣ асослари Фуқаролик кодексининг 921-моддасида акс эттирилган. Унга кўра, ҳаёт суғуртаси шартномаси буйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тулайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ходисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақт-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади. Шунингдек, кодексда шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади, деб кўрсатилган.

Шахсий суғурта шартномасини тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида суғурталанган шахс тўғрисида, суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тугилиб суғурта амалга ошириладиган воқеа (суғурта ходисаси)нинг хусусияти тўғрисида, суғурта пули миқдори тўғрисида, суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида, шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида келишувга



эришилиши лозим. 2002 йилнинг 28 майдан эътиборан «Суғурта фаолияти тўғрисида» Қонуннинг қабул қилиниши билан суғурта 2 та тармоққа, яъни ҳаёт суғуртаси ва умумий суғуртага бўлинди. Қонунга асосан суғурталовчиларнинг фаолияти суғуртанинг қайси тармоғига ихтисослашганлигига қараб алоҳида лицензияланадиган бўлди. Ҳаёт суғуртасини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган суғурталовчилар умумий суғурта турларини утказишга ҳақли эмас ёки аксинча.¹

Инсон ҳаётининг турли қутилмаган бахтсиз ҳодисалардан ҳимояланиши учун биринчи навбатда ҳар биримиздан турли қутилмаган салбий ҳолатларга доимо тайёр туришимиз лозимлигини талаб қилади. Лекин, доимо ҳам инсон турли қутилмаган ҳодисалардан ҳимояланиш имкониятига эга бўлмайди. Бунинг натижасида эса, инсонлар вақтинчалик меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиши оқибатида даромад манбаидан маҳрум бўлиши, баъзи ҳолларда эса боқувчисидан ажралиб қолиши мумкин бўлади ва бу ўз навбатида бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳаёт суғуртаси механизми орқали ижтимоий ҳимояга заруратни юзага келтиради. Мамлакат иқтисодий ривожланишида суғурта фаолияти молиявий инфратузилманинг муҳим тармоқларидан бири сифатида майдонга чиқади. Аниқроқ қилиб айтганда, у юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта ҳимоясини таъминловчи ва муайян миқдорда инвестиция маблағларини ўзида жамлаб, реал иқтисодиётни қайта молиялаштиришни амалга оширувчи молиявий тузилмадир. Шунингдек, фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг мулкӣ манфаатларини ҳар хил табиӣ, техник ва бошқа қалтисликлардан ҳимоя қилишнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъминловчи механизми ҳисобланади. Ушбу суғурта механизми орқали бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари фаолиятининг ривожланиши учун тўсқинлик қилувчи кўзда тутилмаган қалтисликлар етказадиган зарарларни суғурта шартномаси орқали белгиланган тартибда қоплаш мумкинлиги аҳамиятлидир. Шундай экан, юртимизда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишида ва уларнинг молиявий фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган қалтисликлардан ҳимоялашда суғурта тизими муҳим аҳамиятга эга. Албатта буларнинг ҳаммаси ҳалқимиз турмуш даражасини янада яхшилаш, аҳолини, давлат, хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг мулкни суғурта қилиш натижасида уларнинг мулкӣ манфаатини ҳимоя қилишдан иборатдир. Жаҳон амалиёти тажрибасидан маълумки, ҳаёт суғуртаси аҳоли ижтимоий иқтисодий ҳимоясининг замонавий ва ишончли воситаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда ва хорижий давлатлар молия тизими таркибида тобора ривожланиб бормоқда.²

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қонунчилик ҳужжатларда ва иқтисодий адабиётларда “ҳаёт суғуртаси”нинг моҳиятига оид кўпгина ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни тизимлаштириш асосида, энг асосийларини қуйида келтириш мумкин:

М.А. Гришунинанинг илмий тадқиқотларида ҳаёт суғуртасини шахсий суғуртанинг бир тури сифатида қарайди ва унинг иқтисодий механизмларини таҳлил қилиш асосида, шахсий суғуртанинг пул маблағларини жамғариш воситаси сифатидаги имкониятларига тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, шахсий суғурта қатъий белгиланган даромад олиш имконини берувчи ўзига хос бир усул сифатида намоён бўлади [1].

Ҳаётни суғурталаш деганда, суғурталанган шахс вафот этган ёки муайян муддатга қадар тирик қолган ҳолатда, тўланган суғурта мукофотлари ўрнига суғурта қилдирувчи ёки у томонидан тайинланган шахсга суғурталовчи томонидан суғурта суммасини тўлаш кафолатини берилиши тушунилади [2].

Ҳаёт суғуртаси – бу суғурта классификация бўлиб, унда инсон ҳаёти суғурта объекти ҳисобланади [3].

Ҳаёт суғуртаси – суғурта тармоғи бўлиб, бунда суғурталовчининг жавобгарлиги суғурталанган шахс суғурта шартномаси амал қилган даврда вафот этганда ёки маълум бир ёшга тўлганда қатъий белгиланган миқдордаги пулни тўлашдан иборатдир [4].

Ҳаёт суғуртаси иқтисодий категория сифатида, суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчилар тўлаган суғурта мукофотлари ҳамда суғурта захираларини инвестиция

¹ <https://www.kafolat.uz/news/info/company/283/>

² №2, 2021 йил май (sharqjurnali.uz)



қилишдан олинган фойда ҳисобидан мақсадли суғурта фондларини шакллантириш ва улардан суғурта шартномасида ўрнатилган суғурта ҳодисалари содир бўлганда, суғурталанган шахсларга (наф олувчиларга) суғурта суммасини тўлаш учун фойдаланиш билан боғлиқ юзага келадиган ҳаёт суғуртаси иштирокчилари ўртасидаги қайта тақсимлаш муносабатларини ифодалайди [5].

Ҳаёт суғуртаси шахсий суғурта турларидан бири сифатида суғурта суммасини суғурталанган шахсга ёки бошқа шахсга қуйидаги шартлар асосида тўлашни назарда тутати: - шарномада белгиланган даврда ёки ҳодисадан, ёхуд пенсия ёшига қадар омон қолганда, ўрнатилган миқдорда умрбод ойлик пенсия тўлаш шартлари асосида; - суғурталанган шахс вафот этганда; - суғурта муддати давомида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар натижасида турли хил шикастланиш (майиб бўлиш, меҳнат қобилиятини йўқотиш)лар юзага келганда [6].

Умуман олганда, ҳаёт суғуртаси иқтисодий тоифа сифатида намоён бўлиб, суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчилар тўлаган суғурта мукофотлари ҳамда суғурта захираларини инвестиция қилишдан олинган фойда ҳисобидан мақсадли суғурта фондларини шакллантириш ва улардан суғурта шартномасида ўрнатилган суғурта ҳодисалари содир бўлганда, суғурталанган шахсларга суғурта суммасини тўлаш учун фойдаланиш билан боғлиқ юзага келадиган ҳаёт суғуртаси иштирокчилари ўртасидаги қайта тақсимлаш муносабатларини ифодалайди деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқот методологияси

Мамлакатимиз суғурта бозорини ривожлантиришда ҳаёт суғуртасининг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, аҳолини ҳаёт суғуртаси орқали унинг ҳаёти, меҳнат фаолияти давомида турли хил бахтсиз ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш, тиббий суғурталаш асосида соғлиғини ва меҳнат қобилиятини йўқотиш каби хавф хатарлардан ҳимоя қилиш имконияти юзага келади. Бунинг учун эса, халқимизнинг суғурта бўйича билимларини ва уларнинг суғурта маданиятини ҳамда аҳолининг ҳаёт суғуртасига бўлган ишончини ошириш масаласини ҳал қилиш лозим.

Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида индукция, сифат таҳлили ва қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

“Swiss Re Institute”нинг 2022 йил охиригача глобал суғурта мукофотлари ҳажми рекорд даражадаги 7 триллион долларни ташкил этишини башорат қилмоқда. 2021 ва 2022 йилларда иқтисодий тикланиш кутилмоқда. Кўриш учун асосий бозор иқтисодий ўсиш кучли бўлган Хитой бўлиб қолмоқда.


Жаҳон суғурта мукофотлари бўйича биринчи йигирматаликка АҚШ, Хитой ва Япония яна 2020-йилда дунёдаги енг йирик суғурта бозорлари рейтингининг кучли учлигига кирди, улар жаҳон бозорининг деярли 58 фоизини ташкил этди, бу эса юқорироқдир. 2019 йилга нисбатан 56% ни ташкил этди.

Топ 20 нинг бозор улуши ҳам 2019 йилдаги 90,5 фоиздан 2020 йилда 90,7 фоизгача кўтарилди. Хитой ўтган йили жаҳон суғурта бозорининг 10,5 фоизини ташкил қилиб, ўсиб бораётган улушга эга бўлишда давом этмоқда. Тез ривожланаётган Осиё минтақаси борган сари доминант бўлиб бормоқда, 20-йилда олтига бозор ва 2020-йилда бозор улуши 25% ни ташкил қилади.¹

Ўзбекистон суғурта бозорида охириги йилларда суғурта компаниялари сони ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2022 йил 9 ойлик ҳолатига кўра 34 та умумий суғурта ва 8 та Ҳаёт суғурта компаниялари фаолият юритишмоқда.

Молия вазирлиги ҳузуридаги “СУҒУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ”нинг 2022 йил 9 ойлик натижаларга кўра Ўзбекистон суғурта бозорида Ҳаёт суғуртасининг мукофотлари тушуми умумий суғурта тушумига нисбатан 53 фоизни ташкил қилмоқда.

¹ <https://forinsurer.com/news/21/07/14/40018>




Ўзбекистон сугурта бозорида Ҳаёт сугурта компанияларининг 2022 йил 9 ойликдаги сугурта мукофотлари динамикаси (млн.сўм)

№	Sug'urta kompaniyalari nomi	Sof sug'urta mukofotlari *		
		30.09.2021	30.09.2022	O'zgarish, %
	Umumiy	478 809	1 313 059	+174,2%
1	"NEW LIFE SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	183 690	639 825	+248,3%
2	"ALFA LIFE INSURANCE" AJ	26 316	147 319	+459,8%
3	"KAFOLAT HAYOT INSURANCE" AJ	38 500	127 055	+230,0%
4	"AGROS HAYOT" AJ	98 323	120 848	+22,9%
5	"EUROASIA LIFE INSURANCE" AJ	25 614	106 488	+315,7%
6	"APEX LIFE INSURANCE" AJ	39 722	84 132	+111,8%
7	"O'ZBEKINVEST HAYOT SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ	56 429	73 449	+30,2%
8	"FAROVON SUG'URTA" AJ	10 215	13 944	+36,5%


Манба: <https://imda.uz/uz/9-oylik-2022/> сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



«Kafolat Hayot Insurance» АЖ томонидан 2022 йил 9 ойлик давомидаги асосий кўрсаткичлари таҳлилини қуйидагича келтирамыз.



«Kafolat Hayot Insurance» АЖ бўйича 2022 йил 9 суғурта шартномалари бўйича тўланган суғурта товонлари сони ўсиш динамикаси тўғрисида маълумот (дона).





«Kafolat Hayot Insurance» АЖнинг 2022 йил 9 ойлик бўйича тўланган суғурта товонларининг филиаллар кесимидаги маълумоти.



«Kafolat Hayot Insurance» АЖ томонидан 2022 йил 9 ойлик ҳолатига суғурта турлари бўйича кўрсаткичлар тўғрисида маълумот. (млн.сўм)

	Суғурта тури	Тушум	Товон	Захира
1	Ҳаёт	123 425,57	116 693,41	4 396,10
2	БХ	217,99	13,43	143,20
3	Тревал	488,15	226,72	183,00
4	Аннуитет	2 923,37	513,17	2 410,20
	Жами	127 055,09	117 446,73	7 132,50

Манба: kafolathayot.uz сайтига жойланган 2022 йил 9 ойлик яқунлари бўйича ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, «Kafolat Hayot Insurance» АЖ асосий кўрсаткичларида ўсиш кузатилмоқда. Бу ўз навбатида аҳоли ҳамда йирик корхона ва ташкилотларда жамият суғурта хизматларига бўлган ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда, юқоридаги таҳлил натижаларига асосан мамлакатимизда ҳаёт суғурта хизматлари бозорининг охириги йилларда ривожланиш даражасини кўриш мумкин.

“Ҳаёт суғуртаси”нинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз суғурта бозорида унинг аҳамиятини ошириш, такомиллаштириш ва ҳаёт суғуртасини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- ижтимоий тармоқларда ва оммавий ахборот воситаларида аҳолининг суғурта маданиятини ошириш бўйича қизиқарли ва амалий кўрсатувлар ҳамда хабарлар тақдим этиб боришни йўлга қўйиш.

- “Ҳаёт суғуртаси”ни амалга ошириш механизмларини соддалаштириш, кенг халқ оммаси учун тушунарли тарзда ишлаб чиқиш;

- аҳоли ва ташкилотлар орасида “Ҳаёт суғуртаси” турининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ахборот технологиялари асосида йўлга қўйиш;



№	Маблағларни тўплашнинг самарали усулини аниқлаш (мисолда, 1 млн. сўм)												
	Жамғармага ушлаб қолingan ойлик иш хақи миқдори	Солиқ ставкаси	Солиқларни тўлагандан кейинги даромад	“Ётиқ ости”да жамғариб орқали топиладиган даромад	Банкка депозитга қўйиш орқали топилиши мумкин бўлган даромад			Валютага ўтказиш орқали топиладиган даромад (Даромад 01/05/2020-25/05/2021)		“Kafolat Hayot Insurance” сугурта компанияси орқали ҳаёт сугуртаси шартномасини тузиш орқали жамғарилганда			
					Депозит	22%ли йиллик ставка	жами	курс\$	\$	Жамғарма	Боёус 7%	жами	
1	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	16 133	22%	880 000	10 129,56	86,9	1 000 000	70 000	1 070 000
2	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	32 267	22%	1 760 000	10 148,31	86,7	1 000 000	70 000	1 070 000
3	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	48 400	22%	2 640 000	10 184,73	86,4	1 000 000	70 000	1 070 000
4	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	64 533	22%	3 520 000	10 209,86	86,2	1 000 000	70 000	1 070 000
5	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	80 667	22%	4 400 000	10 270,08	85,7	1 000 000	70 000	1 070 000
6	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	96 800	22%	5 280 000	10 339,68	85,1	1 000 000	70 000	1 070 000
7	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	112 933	22%	6 160 000	10 366,86	84,9	1 000 000	70 000	1 070 000
8	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	129 067	22%	7 040 000	10 427,38	84,4	1 000 000	70 000	1 070 000
9	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	145 200	22%	7 920 000	10 449,44	84,2	1 000 000	70 000	1 070 000
10	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	161 333	22%	8 800 000	10 540,44	83,5	1 000 000	70 000	1 070 000
11	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	177 467	22%	9 680 000	10 525,50	83,6	1 000 000	70 000	1 070 000
12	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	193 600	22%	10 560 000	10 485,66	83,9	1 000 000	70 000	1 070 000
13	1 000 000	12%	880 000	880 000	880 000	209 733	22%	11 440 000	10 596,76	83,0	1 000 000	70 000	1 070 000
	13 000 000				11 440 000	1 468 133				1 104,5	13 000 000	910 000	13 910 000
	жами		11 440 000	11 440 000		12 908 133				11 704 495		13 910 000	

Сизнинг жамғармаларингизнинг қиёсий жадвали (13 ой)	фарқ+/-	
1 "Ётиқ остида"ги жамғарма	11 440 000 сўм.	0
2 Банк депозит жойлаштирилган ҳолдаги жамғарма	12 774 667 сўм.	1 468 133
3 Валютага ўтказиш орқали топиладиган даромад	11 704 495 сўм.	264 495
4 "Kafolat Hayot Insurance" сугурта компанияси орқали ҳаёт сугуртаси	13 650 000 сўм.	2 470 000

- молия бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда янги пенсия сугурта турларини ишлаб чиқиш;

Муддатли рента аёллар учун ҳ ёшли аёл пенсияга чиққандан сўнг маълум муддатда қўшимча пенсия олиши учун сугурта компанияси билан шартнома тузмоқчи. Агар қўшимча ойлик пенсия миқдори С бўлса аёй пенсияга чиққинча қанча ҳар ой қанчадан сугурта мукофоти тўлаб бориши керак?	Сугурталанувчининг ёши	30		"Ҳар ойлик сугурта мукофоти"	"Ҳар ойлик сугурта суммаси"	
		Сугурта мукофоти даври	25		28 009 сўм	291 659 сўм
		Сугурта суммаси даври	25		100 000 сўм	1 041 316 сўм

Умубод рента аёллар учун ҳ ёшли аёл сугурта компанияси билан сугурта шартномасини тузди. Шартномага кўра у нафақага чиққандан сўнг унга умрининг охиригача ҳар ой қўшимча С суммадан олиши учун у нафақага чиққунча компанияга ҳар ой қанчадан пул тўлаши керак?	Сугурталанувчининг ёши	30		Har oylik sug'urta mukofoti	Har oylik sug'urta summasi	
		Сугурта мукофоти даври	25		195 181 сўм	2 000 000 сўм
		$N_{x:n} =$	4 559		100 000 сўм	1 024 691 сўм

Муддатли рента ераклар учун ҳ ёшли ерак пенсияга чиққандан сўнг маълум муддатда қўшимча пенсия олиши учун сугурта компанияси билан шартнома тузмоқчи. Агар қўшимча ойлик пенсия миқдори С бўлса ерак пенсияга чиққинча қанча ҳар ой қанчадан сугурта мукофоти тўлаб бориши керак?	Сугурталанувчининг ёши	30		"Ҳар ойлик сугурта мукофоти" mukofoti	Ҳар ойлик сугурта суммаси	
		Сугурта мукофоти даври	30		102 874 сўм	2 000 000 сўм
		Сугурта суммаси даври	25		100 000 сўм	1 944 129,92

Умубод рента ераклар учун ҳ ёшли ерак сугурта компанияси билан сугурта шартномасини тузди. Шартномага кўра у нафақага чиққандан сўнг унга умрининг охиригача ҳар ой қўшимча С суммадан олиши учун у нафақага чиққунча компанияга ҳар ой қанчадан пул тўлаши керак?	Сугурталанувчининг ёши	30		"Ҳар ойлик сугурта мукофоти" mukofoti	Ҳар ойлик сугурта суммаси	
		Сугурта мукофоти даври	30		26 841 сўм	505 556 сўм
		$N_{x+n} =$	2 220		100 000 сўм	1 883 498 сўм

- ҳаётни узоқ муддатга сугурта қилиш молиявий механизмларини ривожлантириш;
- ҳаёт сугуртаси узоқ муддатли бўлганлиги сабабли, инфляция юқори бўлганда ушбу муддатни қисқартириш аҳоли орасида қизиқиш уйғотади;
- ҳаётни узоқ муддатга сугурта қилиш орқали пенсия сугуртаси механизминини ишлаб чиқиш ва унинг жозибодорлигини ошириш;

Хулоса ўрнида айтганимизда, фуқароларимизнинг ҳаёт сугуртасидан ижтимоий-иқтисодий манфаатдорлигини ошириш бевосита мамлакатимизда Ҳаёт сугуртаси бозорининг ривожланишига ва пировардида аҳолининг кексалик чоғидаги муносиб турмуш шароити учун узоқ муддатли жамғармаларининг шаклланишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Ҳаёт сугуртасининг молиявий механизмларини янада такомиллаштиришда



Ҳаётни узоқ муддатга суғурта қилиш бўйича муҳим жихатларни инобатга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- [1] Гришунина М.А. (2018) Личное страхование как метод накопления денежных средств. Экономика и управление. Май, Том-3, №9.
- [2]. Федорова Т.А. ва бошқалар. Страхование (3-нашр). –М.: Магистр, 2008. – 1006 б.
- [3] Ефимов С.Л. ва бошқалар. Словарь страховщика. –М.: Экономика, 2000. – 322 б.
- [4] Александрова О.В. Коммерческое страхование. –М.: Янги иқтисодиёт институти, 2006. – 254 б.
- [5] Шихов А.К. Страхование. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 431 б.
- [6] Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. – СПб.: Питер, 2004. – 256 б.
- [7] Ўзбекистон Республикасининг 23.11.2021 йилдаги ЎРҚ-730-сонли СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАги қонуни.
- [8] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.06.2022 йилдаги 323-сонли қарори.



СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА АМАЛИЁТИ

Ширинбоев Камол Абдирофиевич
“Банк-Молия” Академия тингловчиси

АННОТАЦИЯ: Мақоламда асосан куйидаги давлатлар жумладан АҚШ, Европа Иттифоқи ва унга аъзо-давлатлар, Буюк Британия, Германия ҳамда Осиёнинг тараққий этган давлатлари яъни Япония ва Хитой мисолида суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро стандартлари ва амалиёти тадқиқ этилган. Шунингдек, мақоламда глобализация шароитида жаҳон миқёсида суғурта фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ўзгариш ва тенденциялар таҳлил этилган. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда суғурта фаолиятини тартибга солишнинг илғор ва замонавий шакллари Ўзбекистон суғурта фаолияти амалиётида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Суғурта, суғурта бозори, суғурта фаолияти, суғурта компанияси, суғурта сектори, суғурта фаолиятини тартибга солиш, суғурта маҳсулоти, суғурта компаниясининг тўлов қобилияти.

Мақолани бошлашда суғуртага таъриф берилганлигини кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ масалан 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун”нинг 3-модда Асосий тушунчаларда куйидагича таъриф берилган, муайян воқеа (ҳодиса) юз берганда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, товонлар ва бошқа тўловлар тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир муносабатлар [1]. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, суғурта компаниялари томонидан суғурта шартномалари орқали суғурта мукофоти келиб тушгач, айнан суғурта шартномаси амалда бўлган давр ичида суғурта ҳодисаси содир бўлгандагина суғурталовчи зиммасига олган мажбуриятни, яъни “ваъда”ни бажаради. Д. Бланд (David Bland)нинг таъбири билан айтганда суғурталовчи суғурта қилдирувчига ваъдани сотади [2].

Суғурта компанияларнинг мазкур хусусияти уларнинг тўлов қобилияти мустаҳкам бўлишини ва ҳар қандай ҳолатда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради. Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солиб борилади [3].

Шуниси диққатга сазоворки, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш давлатларнинг тузилиши, иқтисодий сиёсати ва бошқа омилларидан келиб чиқиб, бири-биридан фарқ қилади. масалан, АҚШда азалдан суғурта фаолиятини тартибга солиш федерал даражада эмас, балки штатлар даражасида амалга оширилади. Европа Иттифоқида эса суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, бир томондан Иттифоқ доирасида, иккинчи томондан, унга аъзо-давлатларнинг ваколатли идоралари зиммаларига юклатилган. Европа Иттифоқи доирасида Европа суғурта ва меҳнат пенсияси хизмати ташкил этилган бўлиб, у Европа Комиссиясининг мустақил маслаҳат органи ҳисобланади [4].

Унинг асосий вазифаси Европа Иттифоқи доирасида суғурта фаолиятини тартибга солишга оид қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш, аъзо-давлатлар билан келишган ҳолда ушбу ҳужжатларни Европа Иттифоқи Парламенти ва Кенгашига тақдим қилишдан иборат. Ҳозирги кунда жаҳонда суғурта фаолиятини тартибга солиш борасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунга мисол тариқасида бутун дунёда глобализация жараёнларининг тез суръатлар билан амалга оширилмоқда ва бу ҳолат, ўз навбатида давлатларнинг суғурта фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқлаштириш, суғурта соҳасида мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш бўйича ҳамкорликни кучайтиришни кун тартибига қўймоқда. Глобализация жараёнларининг суғурта фаолиятига таъсири тўғрисида Е. Жегало ва ўз тадқиқот ишида тўхталиб ўтар экан, глобализация жараёни алоҳида давлатларнинг жаҳон молия ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиши баробарида янги технологияларни жорий этиш ҳисобига молиявий барқарорлигини оширишларига катта имконият яратишини қайд этган [5].



Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича сўнги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорига [6].

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2021 йил 23 октябрдаги “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5265-сон қарорининг б-бандида 2023 йил 1-январдан бошлаб мажбурий суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полисларини қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилиниши [7] бу ҳам яъни Ўзбекистонда суғурта бозорини янада ривожланаётганига келажакда барча суғурта турлари электрон шаклда амалга оширилиши ҳамда мижозларга янада осонроқ бўлиши кўзда тутилмоқда.

Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг ҳолати, муаммолари ва истиқболлари хусусида кўплаб олимлар, мутахассислар ҳамда халқаро ташкилот ва компаниялар томонидан илмий ва таҳлилий тусдаги тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жоржия давлат университети профессори Robert W. Klein (АҚШ) ўз тадқиқотида таваккалчиликларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш ва суғурта маҳсулотини истеъмолчиларининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини кондириш учун суғурта тармоғининг аста-секин ривожланиши давомида тартибга солувчи органлар ўзларининг назорат қилиш услублари, дастаклари ва сиёсатини яхшилаб борганлигини қайд этган. Унинг нуқтаи назарига кўра, суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича ислохотлар узлуксиз жараён ҳисобланади ва бунга кўплаб омиллар, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозлари жиддий таъсир кўрсатади [8].

Andy Winkler амалга оширган тадқиқот натижалари 2008-2009 йилда бўлиб ўтган жаҳон молиявий инкирози глобал тизимли аҳамиятга эга бўлган суғурта компанияларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатгандан сўнг алоҳида давлатлар ва суғурта секторини халқаро тартибга солувчи органлар суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ капиталга ўрнатилган талаблар ва бошқа стандартларни қайта кўриб чиқиш бўйича фаол ҳаракат қилаётганлигини кўрсатган [9]. Тадқиқот муаллифи мазкур глобал суғурта компаниялари ва уларнинг кўп сонли шуъба компаниялари бутун дунё бўйлаб мижозларга суғурта хизматларини кўрсатишлари бир қанча юрисдикцияларни қамраб олган тартибга солувчи органлар фаолиятини тузилмавий қайта кўриб чиқиш зарур деган хулосага келган. Organization for Economic Co-operation and Development (OECD) экспертлари суғурта компанияларининг турлари суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органларига таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди [10]. Уларнинг фикрларига кўра, суғурта компанияларининг ҳажми ва мураккаблиги тартибга солувчи орган фаолиятига таъсир кўрсатиши, кўпроқ, тегишли давлат органида ишлайдиган ходимлар сони ва бюджетига таъсир кўрсатади.

Умуман Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий модели Буюк Британия ва Германияда шаклланди десак, асло муболаға бўмайди. Буюк Британия суғурта бозори дунёда энг ривожланган бозорлар тоифасига мансуб бўлиб, суғурта компанияларининг аксарияти хорижий мамлакатларда ўз филиаллари ва ваколатхоналарига эга. 2013 йил 1 апрелдан Буюк Британияда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ишларини қуйидаги иккита ташкилот амалга оширади:

- Англия Банкининг Пруденциал назорат хизмати (Prudential Regulation Authority, PRA);
- Молия бозорларида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш хизмати (Financial Conduct Authority)

Пруденциал назорат хизмати, нафақат молия-кредит ташкилотларининг, балки инвестиция ва суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилади. Унинг асосий вазифаси мазкур компанияларнинг хавфсиз ва ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳисобланади. Хизмат суғурта компанияларининг молиявий ҳолатини баҳолайди, полис эгаларининг етарли даражада ҳимояланишини таъминлайди. Пруденциал назорат хизматининг ваколатлари 2012 йилда қабул қилинган “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги (the Financial Services Act) Қонунда ўз аксини топган [11].



Молия бозорларида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш хизмати 2013 йил 1 апрелдан фаолият юритади ва унинг асосий вазифаси молия бозорининг яхши ишлашини таъминлаш, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, самарали рақобат муҳитини яратиш ҳисобланади [12]. Мазкур хизмат мустақил давлат органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолияти натижалари бўйича Буюк Британия молия тизими учун масъул бўлган - Англия Ғазначилигига ва ва Параментиға ҳисобдордир. Молия бозорларида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш хизмати тўлиқ ўзининг назоратида бўлган компаниялар томонидан молиялаштирилади. Шунингдек, суғурта агентлари ва брокерларининг фаолияти ҳам мазкур ташкилот томонидан тартибга солинади. Европада суғурта фаолиятини тартибга солиш соҳасида илғор тажриба орттирган Германияда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни тадқиқ қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Германияда суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилиш “Суғурта назорати тўғрисида”ги Қонунга (Versicherungsaufsichtsgesetz - VAG) асосланади. 2002 йил 1 майда Суғурта назорати федерал хизмати Банк назорати ва қимматли қоғозлар федерал хизматлари билан бирлашди ва унинг негизида ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатиб келаётган Германия Молиявий назорат федерал хизмати (Bundesanstalt für Finanzdienstleistungsaufsicht - BaFin) ташкил этилди [13]. “BaFin” деб аталувчи мазкур хизматнинг асосий вазифаси молия секторининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш орқали молиявий маҳсулотлар, шу жумладан суғурта маҳсулотлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ва таҳлил этишга оид биз томондан амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш ва таклифларни шакллантириш имкониятини яратди.

Суғурта секторини тартибга солиш билан боғлиқ бутун дунё мамлакатлари

суғурта назорати органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциацияси суғурта фаолиятини тартибга солишга доир турли стандартлар, тавсиялар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш орқали глобал суғурта секторининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга маълум даражада ҳисса қўшмоқда.

Тадқиқот натижалари дунё миқёсида давлатларнинг суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш модели уч турга бўлинишини кўрсатди. Биринчи турга, суғурта фаолиятини тартибга солиш бутун молия секторини қамраб олмасдан, фақат, суғурта фаолияти давлат органлари томонидан тартибга солинади. Бунга Белоруссия, Ўзбекистон ва Тожикистон каби давлатларни мисол келтириш мумкин. Иккинчи турга суғурта ва банк фаолиятини тартибга солиш биргаликда, яъни ягона давлат органи томонидан амалга ошириладиган мамлакатларни киритиш мумкин. Масалан, Хитойда суғурта ва банк фаолиятини тартибга солиш ягона давлат органи томонидан амалга оширилади. Учинчи турга бутун молия секторини, банк, суғурта, инвестиция компаниялари, қимматли қоғозлар ва бошқа молия-кредит ташкилотларини тартибга солиш ваколатига эга бўлган давлат органлари мавжуд мамлакатлар киритилади. Масалан, Германия, Япония, Буюк Британия ва АҚШнинг айрим штатлари, хусусан, Флорида штатида молия-кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қиладиган ягона давлат органи мавжуд.

Европа Иттифоқи Комиссияси таркибида ташкил этилган Европа суғурта ва меҳнат пенсиялари хизмати Еврохудудда жойлашган суғурта компанияларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича аъзо-давлатларнинг миллий

органларига суғурта назоратини тўғри ва самарали ташкил этиш мақсадида турли

стандартлар, масалан 2016 йил 1 январдан кучга кирган халқаро Solvency II стандартини жорий қилиш, миллий қонунчилик ҳужжатларини Иттифоқ доирасида

мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш борасида ўзига хос ўринни эгаллайди. Бизнинг фикримизча, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония ва Хитой каби суғурта сектори юқори даражада ривожланган давлатларнинг суғурта соҳасини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича тажрибасини ўрганиш тартибга солиш билан боғлиқ баъзи жиҳатларни Ўзбекистон суғурта секторини тартибга солишда қўллаш мумкин, деган хулоса чиқаришга асос бўлди.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг Суғурта назоратчиларининг халқаро ассоциацияси билан ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.



Ҳамкорлик йўналишлари мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солиш жараёнида халқаро ташкилот томонидан ишлаб чиқилган стандартлар, услубий кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатларидан самарали фойдаланиш, шунингдек кадрлар салоҳиятини ошириш ишларини қамраб олиши даркор.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари, Хитой банк ва суғурта ишини тартибга солиш комиссияси томонидан суғуртанинг фундаментал терминлари, барча суғурта маҳсулотлари, суғурта шартномаси, суғурта қопламалари, маркетинг ва сотиш бўйича атрофлича маълумотларни ўз ичига олган миллий стандартнинг ишлаб чиқилганлиги бизда катта қизиқиш уйғотди. Фикримизча, мана шундай стандартни Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки, мазкур стандарт орқали кўп сонли суғурта маҳсулоти истеъмолчилари суғурта фаолиятига оид билим ва қарашларини ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Юқоридагиларни умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш натижалари бўйича шакллантирилган хулоса ва тақлифлар мамлакатимизнинг суғурта фаолиятини тартибга тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун”нинг 3-моддаси 2021 йил 23 ноябр.
2. <https://lex.uz/docs/5739117>
3. Bland David, Insurance: Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute, 1993, ISBN 1-85369-112-7, page 26.
4. Shennaev X. O'zbekiston su'gurtas bozori. Toshkent, Iqtisod-Moliya nashriyoti, 2013. –130-bet.
5. At the heart of insurance and pensions supervision in Europe, <https://www.eiopa.europa.eu/>.
6. Жегалова Е. Развитие регулирования и надзора на мировом страховом рынке в условиях глобализации: зарубежный и российский опыт. Экономические науки, 10 (131), 2015.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори <https://lex.uz/docs/4459802>,
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги “ Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5265-сон қарори.
9. Robert W. Klein, Principles for Insurance Regulation: An Evaluation of Current Practices and Potential Reforms, The Geneva Papers on Risk and Insurance - Issues and Practice volume 37, pages 175–199 (2012).
10. Andy Winkler, Developments in the Regulation of Global Insurers: A Primer, may 13, 2015. <https://www.americanactionforum.org/research/developments-in-the-regulation-of-global-insurers-a-primer/>.
11. Policy Guidance on the Structure of Insurance Regulation and Supervision, OECD 2020, <http://www.oecd.org/finance/insurance/Policy-Guidance-on-the-Structure-of-Insurance-Regulation-and-Supervision.htm>.
12. The Financial Services Act. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2012/21/enacted>.
13. About the FCA. <https://www.fca.org.uk/about/the-fca>. 13. Insurance Supervision in Germany. History of Insurance Supervision https://www.bafin.de/EN/DieBaFin/AufgabenGeschichte/Versicherungsaufsicht/versicherungsaufsicht_node_en.html.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

Худойқулов Сирожиддин Узоқ ўғли
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси тингловчиси.

Аннотация. Мазкур тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни, уларнинг турлари ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари ва ҳажми. Етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмининг йиллар давомида ўсиб бориш кўрсаткичлари батафсий ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар. : фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, агросаноат, иқлим ўзгариши, озиқ овқат саноати.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланиб, мамлакат бюджети ҳамда аҳолининг турмуш даражасида катта ўрин касб этади. Қишлоқ хўжалигининг асосий ижтимоий вазифаси бу – мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, саноатни эса хомашёга бўлган талаб эҳтиёжларини қондиришдан иборат ҳисобланиб, ушбу фаолият мамлакат хўжалигининг энг қадимги, аҳолисининг эса анъанавий машғулотли ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги мавсумий характерга эга, унинг ривожланиши об-ҳаво, иқлим шароитларига чамбарчас боғлиқдир. Соҳа ривожланиши енгил саноат ва озиқ овқат саноатини ривожланишига катта таъсир қилади.

Мазкур соҳада фаолият кўрсатувчилар учун энг муҳим омил бу хомашё эмас, балки агроиқлимий ресурслар - яъни ҳарорат, намлик ва тупроқ асос бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари шаклий жиҳатдан асосий икки турга бўлинади, булар деҳқончилик ва чорвачилиқдир.

2021 йилда ЯИМнинг номинал ҳажми 734,6 трлн. сўмни ёки 69,2 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 25,0 фоизини ёки 183,5 трлн. сўмни, хизматлар 35,7 фоизини ёки 262,5 трлн. сўмни, саноат 25,8 фоизини ёки 189,6 трлн. сўмни, қурилиш 6,2 фоизини ёки 45,8 трлн. сўмни ва экспорт импорт маҳсулотларига соф солиқлар 7,2 фоизини ёки 53,2 трлн. сўмни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда, 2021 йилда иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари саноат ва хизматлар соҳаси бўлиб, мос равишда 9,2 ва 8,7 фоизга ўсган. Бундан ташқари, 2021 йилда қишлоқ хўжалиги 4,0 фоизга ҳамда қурилиш соҳаси 6,8 фоизга ўсган.

2021 йил якунларига кўра жами қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми 317,7 трлн. сўмни ташкил этди. Шундан, 307,5 трлн.сўм деҳқончилик ва чорвачилиқ, овчилик соҳаларига, 7,6 трлн.сўм ўрмон хўжалигига ва 2,7 трлн.сўм балиқ хўжалигига тўғри келди. Натижада, деҳқончилик ва чорвачилиқ маҳсулотлари умумий қишлоқ хўжалигининг 96,8 фоизини, ўрмон хўжалигига 2,4 фоизини ва балиқ хўжалиги 0,8 фоизини ташкил қилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2021 йилда 22 млн тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 106,1 фоизни (ш.ж: деҳқончиликда 107,5%) ташкил этди. Жумладан, 11,6 млн. тн (111,4%) сабзавотлар, 3,3 млн тн (115,8%) картошка, 2,3 млн тн (108,6%) полиз, 3 млн тн (106,3%) мева, 1,8 млн. тн (111,5%) узум, шунингдек, 7,9 млн тн (104,8%) дон ва дуккакли дон экинлари, қарийб 3,4 млн тн (110%) пахта хомашёси етиштирилди.

Сўнгги йилларда пахта экин майдонларини қисқартириш, озиқ-овқат экинлари ерларини, шунингдек боғдорчилик, сабзавот экин майдонларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра ҳозирги кунда 80 та мамлакатда 811 млн. нафардан ортиқ аҳоли очликдан азият чекади. Бунга сиёсий, ҳарбий, табиатнинг ўзгариши ва сув ресурсларининг етишмовчилиги асосий сабаб сифатида такидланмоқда.



Дунё аҳолисининг кескин ортиб бориши, сиёсий ва иқтисодий вазият қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ортишига сабаб бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари айниқса, мевалар, полиз экинлари ҳамда дон маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун юртимиздаги фойдаланилмаётган ер майдонларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг янги навлари устида ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. М.И.Назаров. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.
2. www.Agro.uz
3. www.mf.uz



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН СОЛИҚ ВА ЙИГИМЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ.

Худойкулов Сирожиддин Узоқ ўғли
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси тингловчиси.

Аннотация. Мазкур тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан жорий этилган солиқ турлари бўйича муаллифнинг шахсий фикр-мулоҳазалари ҳамда аввал амалга оширилган тадқиқотларда соҳанинг етакчи олимлари томонидан илгари сурилган назарий қарашлар ўрганиб чиқилган. Солиқ турлари, уларнинг ставкалари, солиқ ҳисоботларини ҳисоблаб чиқиш ва солиқ идораларига тақдим этиш муддатлари батафсий кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар. : *Айланмадан олинадиган солиқ, Даромад солиғи, Қўшилган қиймат солиғи, Фойда солиғи, Ер солиғи, Мулк солиғи, Сув солиғи, солиқ базаси, солиқ юки, ҳисобот.*

Барчага маълумки, солиқлар давлат бюджетининг асосий манбаи саналади. Ушбу тизимини этиш эса давлат бюджети даромадларини ошириш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини молиялаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фаолият кўрсатуви барча хўжалик юритувчи субъектларнинг солиққа оид муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси орқали солиқ хизмати органлари томонидан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлашдан олинган даромади улуши солиқ давридаги жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этса ушбу корхона қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи корхона деб эътироф этилиши белгиланган.

Юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги солиқлар тўловчиси ҳисбланиши белгилаб қўйилган:

- 1) қўшилган қиймат солиғи (солиқ Кодекси, 10-бўлим, 31-боб);
- 2) фойда солиғи (солиқ Кодекси, 12-бўлим, 42-боб);
- 3) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (солиқ Кодекси, 13-бўлим, 52-боб);
- 4) ижтимоий солиқ (солиқ Кодекси, 14-бўлим, 58-боб);
- 5) мол-мулк солиғи (солиқ Кодекси, 15-бўлим, 59-боб);
- 6) ер солиғи (солиқ Кодекси, 16-бўлим, 61-боб);
- 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (солиқ Кодекси, 17-бўлим, 63-боб);
- 8) Айланмадан олинадиган солиқ (солиқ Кодекси, 20-бўлим, 66-боб);

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлари жами суғориладиган ер майдони 25,0 га дан кам бўлса ҳамда солиқ давридаги товар айланмаси 1,0 млрд. сўм миқдорга етмаган бўлса ушбу корхоналар Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилари ҳисобланиши белгилаб қўйилган (пахта ва ғалла маҳсулотларини реализация қилувчилар ҳамда божхона чегараси орқали товар олиб қирувчилар бундан мустасно).¹

Айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 4 фоиз этиб (алоҳида ҳолларда 0 фоиздан 25 фоизгача) булгиланган. Солиқ ҳисоботи тақдим этиш муддати кейинги ойнинг 15 санасига қадар ҳудудий солиқ органларини тақдим этилади.²

Қишлоқ хўжалиги корхоналари жами суғориладиган ер майдона 25,0 га дан ортиқ бўлса, солиқ даврида товар ва хизматлар реализацияси 1,0 млрд. сўм миқдордан ортиқ бўлса, божхона чегараси орқали товарлар (агро техника, қора мол ва хкз) олиб ўтилган тақдирда қўшилган қиймат (умумбелгиланган) солиқ тўловчиси сифатида этироф этилади. Ушбу солиқ тури бўйича солиқ ставкаси 15 фоиз (бази ҳолларда 0 нол фоиз) этиб белгиланган. Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этиш муддати кейинги ойнинг 20 санасига қадар ҳудудий солиқ органларини тақдим этилади.³

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлашдан олинган даромади улуши солиқ давридаги

1 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 461-моддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 470-моддаси.

3 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 237-282-моддалари.



жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этса, ушбу корхоналар учун Фойда солиғи ставкаси 0 фоиз этиб белгиланган. Солиқ ҳисоботи тақдим этиш муддати чорак якунидан кейинги ойнинг 20 санасига қадар, йил якунлари бўйича солиқ даври ўтгандан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай ҳудудий солиқ органларига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланиши белгиланган бўлиб, ер учун ҳақ ҳар йили ер солиғи шаклида ундирилади, жойлашиши ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун ернинг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз ставка белгиланган. Ернинг норматив қиймати 1 гектарига ҳар хил бўлган ерлар мавжуд. Ушбу норматив қиймат Ергеодезкадастр давлат унитар корхонаси томонидан ҳудудий солиқ идораларига тақдим этиб борилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ ҳисоботи жорий солиқ даврининг 1 майига қадар, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари еса жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этилиши белгилаб қўйилган.¹

Мол мук солиғининг базавий ставкаси 1,5 фоиз бўлиб, Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилари томонидан - ҳар чоракнинг учинчи ойнинг 10-кунидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдоридан, Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилари бўлмаган солиқ тўловчилари томонидан - ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдоридан тўланиши белгиланган.²

Сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан юридик шахслар бўйича ҳар йили 10 декабрига қадар солиқ органларига - солиқ базасини аниқлаш учун сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва деҳқон хўжаликлари ер усти ва ер ости сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 1 куб.м учун 40 сўм миқдорда солиқ белгиланган.³

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботи ва тўловини амалга ошириш санаси жорий солиқ даврининг 15 декабрь санасига қадар белгиланган.⁴

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Ушбу солиқ тури учун солиқ ставкаси 12 фоиз этиб белгиланган бўлиб, солиқ ҳисоботи тақдим этиш муддати кейинги ойнинг 15 санасига қадар ҳудудий солиқ органларига тақдим этилади.⁵

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларининг аксарият қисмини фермер хўжаликлари ташкил қилади. Мазкур фермер хўжаликларининг 80,0 фоиздан ортиқ қисмига бухгалтерия ҳисоб китобини юритиш учун уларга фермер хўжаликлари бухгалтерия марказлари хизмат кўрсатишади. Уларнинг асосий фаолияти солиқ ҳисоботларини тўғри ҳисоблаб тақдим этиш, электрон ҳисоб фактураларни юбориш, шартномалар тузиш ва бошқа солиққа оид муносабатларни юритишдан иборат. Қолган қишлоқ хўжалиги корхоналари бухгалтерия ҳисобини ҳусусий бухгалтерлар юритишади.

Ҳозирги кунда юз бераётган солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми солиқ ҳисоботларини нотўғри жўнатиш, белгиланган муддатдан кечиктириб тақдим этиш ва солиқ ҳисоботларида аниқланган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этмаслик ҳолатлари ҳолатлари ҳисобланиб, ушбу ҳолатларнинг деярли барчаси ҳусусий бухгалтерлар томонидан йўл қўйилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқ муносабатларини енгиллаштириш учун барча фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисобини марказлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ҳар бир фермерга бириктирилган ҳисобчи ўз ишига масъулият билан ёндашади.

Шунингдек, ҳозирги кунда мавжуд солиқ турлари бўйича ойлик тақдим этилиши лозим бўлган солиқ ҳисоботлари ойнинг 10,15 ва 20 саналарида тақдим этилади. Ушбу солиқ ҳисоботларини барчасини тақдим этиш муддати бир кунга белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ҳисобчилар барча ҳисоб китобларни солиқ ҳисобот тақдим этиш кунигача

1 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 431-моддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 417-моддаси.

3 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 445-моддаси.

4 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 447-моддаси.

5 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 389-моддаси.



ҳисоблаб чиқиб, бир кун давомида борча солиқ ҳисоботларини солиқ органларига тақдим этадилар. Бу солиқ ҳисоботлари тақдим этилишини соддалаштиради, ортиқча вақт сарфини камайтиради ва ҳисобчилар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этиш муддати унутиб қолдирилишини олдини олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси (янги тахрир).
2. Б.И.Исроилов. Ўзбекистонда солиқ тизими асослари. 2016 йил.
3. Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН АМАЛДАГИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ.

Худойқулов Сирожиддин Узоқ ўғли
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси тингловчиси.

Аннотация. Мазкур тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан жорий этилган солиқ имтиёзлари бўйича муаллифнинг шахсий фикр-мулоҳазалари ҳамда аввал амалга оширилган тадқиқотларда соҳанинг етакчи олимлари томонидан илгари сурилган назарий қарашлар ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар. : *Айланмадан олинадиган солиқ, Даромад солиғи, Қўшилган қиймат солиғи, Фойда солиғи, Ер солиғи, Мулк солиғи, Сув солиғи, солиқ базаси, солиқ юки, ҳисобот, имтиёз.*

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб боровчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилувчи (қишлоқ хўжалиги) корхоналарига ҳозирги кунда бир қанча солиқ имтиёзлари ва енгилликлар амал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича хизматларга қайта ишлаш маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш шарти билан қўшилган қиймат солиғи ноль фоиз ставкада қўлланилади.¹

Ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромадининг улуши солиқ давридаги жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этса фаолиятнинг барча турлари бўйича ноль фоиз миқдорда фойда солиғи ставкасини қўллашга ҳақли эканлиги белгиланган.

2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар Мўйноқ туманида маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ижтимоий солиқ ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди. Шунингдек ушбу ҳудуддаги корхоналар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ер солиғи ва сув солиғини ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдордаги солиқ ставкалари бўйича тўлаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.²

Сувни тежайдиган суғориш технологиясидан фойдаланганлар 5 йил муддатга, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар 5 йил муддатга, мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар 5 йил муддатга, янги барпо этилаётган боғлар 5 йил муддатга ер солиғидан озод қилинган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлар ерлари ва ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар ер солиғидан озод қилинганлиги белгиланган.³

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек ипак курти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкка нисбатан мол мулк солиғи қўлланилмайди.⁴

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган шўрларни ювиш нормалари доирасидаги сув ресурсларига нисбатан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобланмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурсларига сув солиғи ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 6 апрелдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-3657-сонли Қарорига асосан «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий

1 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 262-моддаси.

2 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 483-моддаси.

3 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 428-моддаси.

4 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 414-моддаси.



зона худудидаги корхоналар бутун фаолият кўрсатиш даврида солиқлар тўлашдан озод қилиниши белгиланган.¹

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 13 январдаги “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чоратadbирлари” тўғрисидаги ПҚ-83-сонли Қарорига асосан юридик шахслар томонидан 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январга қадар балиқчиликни интенсивлаштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва технологиялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, даромадининг 80 фоизидан ортиғини ушбу ускуналарни ишлаб чиқаришдан оладиган субъектлар учун фойда солиғи, ер солиғи, мол-мулкига солинадиган солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилиши белгиланган.

Ушбу Қарорга асосан 2022 йил 1 февралдан бошлаб жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ўз хонадонидан балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига ер ва мулк солиқлари ставкаси 50 фоиз миқдоридан белгиланган.²

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси (янги тахрир).
2. Б.И.Исроилов. Ўзбекистонда солиқ тизими асослари. 2016 йил.
3. Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1 <https://lex.uz/uz/docs/3642735>

2 <https://lex.uz/uz/docs/5821946>

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2022

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000